



226

№ 676 К

2007 йил «10» сентябрь

КАРОР

Аҳолига якка тартибда уй-жой
қуриш учун ер майдони ажратиш
хақида.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 26-27-моддаларига
асосан ҳамда туман ҳокимлиги қошидаги ер танлаш ва ажратиш
комиссиясининг 2007 йил 10 июлдаги далолатномаси, туман
ҳокимлигига якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер сураб мурожаат
қилган фуқароларнинг аризаларини қуриб чиқиб

КАРОР КИЛАМАН

1.Туман ҳокимлиги қошидаги ер танлаш ва ер ажратиш
комиссиясининг 2007 йил 10 июлдаги, Мойковок қишлоғидаги
хужаликнинг чорвачилик комплекси бино-иншоотлари урнидаги 157-
контурдаги буш турган ер майдонларидан 5,0 (беш) гектар ер майдони
аҳолига якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ажратиб бериш
туғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.

2.Зарафшон қишлоқ фуқаролар йиғини (А.Абдуҳақимов)га
ажратилаётган ер майдонларига бош режасини ишлаб чиқиш учун
лойиха институтларига буюртма бериш топширилсин.

3.Туман бош архитектори С.Абдурахмоновга ажратилган ер
майдонини чегараларини аниқлаб бериш ва уй-жойларни замонавий
лойихалар асосида қурилишни назорат қилиш юқлатилсин.

4.Мазкур қарорни ижросини назорат қилишни туман
ҳокимининг биринчи уринбосари Ш.Нарзиевга топширилсин.

5.Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан суралсин.

Туман ҳокими

Н.Бердибоев.